

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАДБИҚИ

**Фармонов Уткир Мирзақобилович**

*Жиззах давлат педагогика институти, ўқитувчи*

*e-mail: farmonov-81@mail*

**Аннотация:** Ушбу мақола орқали муаллифлар бугунги куннинг долзарб масалаларидан бўлган ўқитишнинг инновацион технологияларини, олий таълим тизимида тадбиқ этишни ёритиб ўтган шу билан бир қаторда наъмуналар ҳам килтирган.

**Калит сўзлар:** педагогик технология, ўқитиш технологияси, тарбия технологияси, интерфаол метод, график органайзерлар

\*\*\*

**Аннотация:** Авторы этой статьи изложили методику преподавания инновационных технологий, которая является наиболее важной проблемой сегодняшнего дня, и экспериментировать с ними в системе образования, приводя некоторые примеры

**Ключевые слова:** педагогические технологии, технологии обучения, образовательные технологии, интерактивный метод, графические органайзеры

Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохатлар физика фани ўқитувчилари олдида ҳам катта масъулият юкларига эга. Ўқитиш жараёнида фойдаланиладиган техник қўрилмаларнинг такомиллашиб бориши натижасида таълим ва тарбия бериш самарадорлигини оширишда ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. Яратилаётган янгилик ва билимларни доимий ўзлаштириб боориш Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисидаги қонун” ҳужжатлари олдида қўйилган асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Ушбу мақола орқали олий таълим тизимида инновацион таълим технологияларини татбиқ этишни, ёритиб ўтмоқчиман.

Авалло инновацион таълим технологияларига асос бўлаоладиган қўйдаги тушунчаларни қисқача изоҳлаб ўтсак:

**Педагогик технология-** бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда йшбй мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жапаёнининг мазмунидир.

**Ўқитиш технологияси-** ўқув машғулотининг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, кутиладиган натижаларни олдиндан аниқлаштириш, ҳар босқичда қўлланиладиган шакл, метод ва воситаларини оқилона танлаб олиш,

профессор-ўқитувчи ва талабанинг вазифаларини ойдинлаштириш қаратилган алгоритмик кетма-кетлик. [1].

**Интерфаол метод**- ўқув жараёнининг таркибий қисми бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам профессор-ўқитувчи, ҳам талабани фаоллаштиришга йўналтирилган ўқитиш усуллари мажмуи.

**График организерлар**- ўқув жараёнида қўйилган мақсадга эришишда ёрдам берувчи чизма, жадвал, графиклар мажмуи. Агар график организерларни ўқитувчи тайёр (тўлдирилган) ҳолда қўлласа восита вазифасини, талабаларнинг машғулот мавзусига доир билимларини мустаҳкамлаш ва фикрлашини ривожлантириш мақсадида ишлатилса, метод вазифасини бажаради.

Олий таълим ўқув жараёнига инновацион таълим технологияларини татбиқ этиш тизими

| <b>ЎҚУВ<br/>МАШҒУЛОТЛАРИ<br/>ТЕХНОЛОГИЯСИ</b>   | <b>ИНТЕРФАОЛ<br/>МЕТОДЛАР</b>  | <b>ГРАФИК<br/>ОРГАНАЙЗЕРЛАР</b>   |
|---|--|---|
| 1. Маъруза<br>машғулотлари таълим<br>технологияси.<br>2. Семинар<br>машғулотлари таълим<br>технологияси.<br>3. Амалий машғулотлар<br>таълим технологияси.<br>4. Мустақил таълим<br>технологияси.<br>5. Кейс-стади таълим<br>технологияси.<br>6. Лойиха таълим тех-<br>нологияси | 1. Ақлий хужум.<br>2. Эркин ёзиш.<br>3. Асосланган эссе.<br>4. ФСМУ.<br>5. Блиц-сўров.<br>6. Блиц-ўйин.<br>7. Ўқитиш бўйича<br>қўлланма.<br>8. Ёзма ва оғзаки давра<br>суҳбати.<br>9. Тушунчаларни аниқлаш.<br>10. Тушунчалар асосида<br>матн тузиш.<br>11. Чалкаштирилган<br>мантиқий занжирлар<br>кетма-кетлиги<br>12. Чархпалак | 12. Кластер.<br>13. Б-Б-Б чизмаси<br>14. Т-чизма.<br>15. Венн<br>диаграммаси.<br>16. Концептуал<br>жадвал.<br>17. Инсерт жадвали.<br>18. “Нима учун”<br>чизмаси.<br>19. “Қандай?”<br>диаграммаси.<br>20. Балиқ скелети.<br>21. Тоифалаш<br>жадвали.<br>22. Нилуфар гули |

Энг жиддий дидактик муаммолардан бири таълим методларини танлаш нималарга боғлиқ, деган масаладир.[2]

Дидактикага оид адабиётларда таълим методларини тўғри танлаш ва уларни қўллаш самарадорлигининг турли омиллар билан боғлиқликлари қуйидагича қайд қилинади:

- **биринчидан**, ўқув машғулотларининг дидактик мақсадлари ва вазифаларига боғлиқ;
- **иккинчидан**, баён қилинадшан материалнинг ҳарактерига боғлиқ;
- **учинчидан**, таълим олувчиларнинг билими ва ривожланиш даражасига боғлиқ;
- **тўртинчидан**, ўқув жараёнида ўрганилаётган фан асосларининг муайян (ҳозирги) даврдаги методларига боғлиқ;
- **бешинчидан**, олий ўқув юрти ёки кафедранинг шароитларига боғлиқ;
- **олтинчидан**, ўқув жараёнининг моддий-техник таъминоти билан боғлиқ;
- **еттинчидан**, ўқитувчининг педагогик маҳорати, унинг тайёргарлиги ва ўқув жараёнини ташкил этиш даражаси ҳамда ўқитувчининг ҳозирги замон методлари бўйича билимларига боғлиқ[3].

Шундай қилиб, олий таълим муассасаларидаги касбий таълим жараёни ўқитишнинг замонавий шакл ва методларига мувофиқ ташкил этиладиган кўпқиррали яхлит тизим доирасида амалга оширилади. Бунда ҳар бир шакл ўз олдида қўйган вазифаларни бажаради, лекин шакл ва методлар тўплами ягона дидактик мажмуани ҳосил қилади. Бу дидактик мажмуанинг амалга оширилиши эса, ўқув жараёнининг психологик-педагогик қонуниятлари билан белгиланади.

Амалда кўп қўлланаётган интерфаол таълим методларидан айримларига доир маълумотлар келтирмоқчимиз

*Намуна:*

### “Инсерт” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод талабаларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод талабалар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- ✓ Ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунини ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки такдимот кўринишида тайёрлайди;
- ✓ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки такдимот кўринишида намойиш этилади;
- ✓ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар.

### Инсерт жадвали

|                        |            |                              |  |
|------------------------|------------|------------------------------|--|
| <b>Белгилар</b>        | механик иш | Кинетик ва потенциал энергия | Механика ва табиатда энергиянинг сакланиш қонуни |
| “В”- таниш маълумотлар |            |                              |  |

|   |  |  |  |
|---|--|--|--|
| “+”-бу маълумот мен учун янгилик              |  |  |  |
| “-“-бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?   |  |  |  |
| “?”-мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак. |  |  |  |

### Нилуфар гули технологияси

Технология дидактик муаммоларни ечишнинг самарали воситаларидан бўлиб, нилуфар гули кўринишига эга. Асос, унга бириккан тўққизта “гулбарг” (квадрат, тўртбурчак ёки айланалар)ларни ўз ичига оладиган бу метод ёрдамида асосий муаммо ва унинг мазмунини ёритишга имкон берадиган хусусий масалалар ҳал этилади.

Талабаларда ҳал этилаётган масала юзасидан мантиқий, изчил фикрлаш, ички моҳиятини таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантирувчи технологияни қўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:



Бу методни физика дарсларида фойдаланишдан **мақсад** - дарс қайси шаклда бўлмасин, қаерда ўтказилмасин, дарсда ўқитувчи билан талабанинг ҳамкорликда ишлашини ташкил этишдир. Физика дарсида ўқитувчи тегишли муаммоларга талабаларни жалб этиши, уларнинг ҳаракатини фаоллаштириши ва натижада ўзлаштиришларини таъминлаши лозим. Бунда ўқитувчи фақат фасилитатор (йўл-йўриқ кўрсатувчи, кузатувчи, хулосаловчи) вазифасини бажаради. Ушбу метод

орқали талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятлари ривожлантирилиб, уларда эркин фикрлаш, мустақил қарор қабул қилиш, ҳиссиётларни бошқара олиш, танқидий ва ижобий фикр юритишнинг ривожланишига замин тайёрланади.

Бу методнинг яна бир афзаллиги талабалар ўзига ўзи баҳо қўяди. Ҳозирги кунда ассессмент(ўз-ўзига) усулда баҳолаш ҳам интерфаол методлардан фойдаланишнинг ўзига хослигидан биридир.

Бу методдан физика дарсларида фойдаланиш яхши самара беради. Бу усулни асосан, бирор боб, бўлим тугаганда ўтказишни тавсия қиламиз.

Бугунги кунда таълим жараёнида илгор педагогик технологияларни жалб этиш натижасида физикани ўқитиш методларидаги ранг–баранглик унинг динамик ривожланишини таъминламоқда. Унинг самарасида таълим самарадорлиги ошиб, сифат кўрсаткичи яхшиланмоқда. Таълимни инновацион ривожлантиришда бугунги таълим тизимида индивидуал ёндашув муҳим аҳамиятга эга. Физика фанини ўқитишда таълим узвийлигини таъминлаган ҳолда гуруҳларга бўлиб ўқитиш маълум маънода сифат кўрсаткичини оширади. Гуруҳларга бўлишда тенг тақсимот бўлиши шарт, яъни ҳар бир гуруҳда фаол талабалар тенг бўлиниши керак. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, гуруҳлар орасида рақобат шаклланади ва жараён фаоллашади, бунда кам ўзлаштирадиган талабалар ҳам фаол талабалар ёрдамида гуруҳ мавқеини ҳимоя қилиш учун актив ҳаракатга киришади. Натижада, биринчидан гуруҳлар орасида соғлом муҳит яратилади, рақобат вужудга келади, мавзунини ўзлаштириш сифати ортади[4].

Таълимнинг самарадорлигини ошириш билан биргаликда физика ўқитувчиларини изланишга, ҳар бир мавзуга ижодий ёндашишга, масъулиятни ҳис қилишга, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, шу билан биргаликда илмий–тадқиқот ва педагогик изланишларни олиб боришга ундайди. Энг асосийси, физика фани ўқитувчиси фанни ўқитишда фанлараро интеграцияни қўллаш олиши, такомиллаштириб бориши, уни ўқув жараёнига тадбиқ этиб боришда касбий маҳоратини ривожлантириши лозим.

Умуман олганда фан ўқитувчисини тайёрлашда нафақат илмий–амалий малака ва кўникмани шакллантириши, балки янгиликка интилувчан техник мукамал шахсларни тайёрлаш келажакда юртимиз истиқболини белгилайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ҳ.Ишматов. Педагогик технология. Ўқув қўлланма. Наманган. НамМПИ. 2004.
2. Д.Рўзиева, М.Усмонбоева, З.Ҳолиқова. –Методик қўлланма. Интерфаол методлар моҳияти ва қўлланилиши. Тошкент:ТДПУ нашриёти, 2013.
3. Нажмиддинова Ё., Абдуллаева Н., Давронова М. Перспективы адаптации выпускников профессиональных колледжей на производственных предприятиях //European research. – 2016. – №. 3 (14).

4. Махсудов П. М. и др. Использование метода «ассесмент» при предварительной оценке знаний студентов //Высшая школа. – 2015. – №. 9. – С. 52-54.
5. Фармонов У.М. Методика преподавания предмета физики студентам направления естествоведения//Образование и наука в России и за рубежом,С-314-317. 2019, №16 (Вол.64)
6. Farmonov, U. (2020). TEACHING OF PHYSICS FOR STUDENTS OF NATURAL DIRECTION WITH INNOVATION TECHNOLOGIES. *Физико-технологического образование*, (1).
7. Farmonov, U. (2020). GEOGRAFIYA YO'NALISHI TALABALARIGA FIZIKANI O'QITISH JARAYONINI INNOYATSION TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH. *Физико-технологического образование*, (1).
8. Togaev, X., Doniyorov, S., Farmonov, U. M., Irmatov, F. M., & Boboqulov, Q. S. (2016). On the role of the physical concepts of the disclosure of the secrets of music. In *The Eighth International Conference on Eurasian scientific development* (pp. 184-189).
9. Bekmirzaev, R. N., Igamkulov, Z. A., Tuugalov, F. K., Khudajberdiev, G. U., Farmonov, U., Shukurov, E. K., ... & Olimov, K. (2004). Rapid distributions of protons in (d,  $\alpha$ , C) TA-interactions at 4.2 GeV/S on nucleon; Bystrotnye raspredeleniya protonov v (d,  $\alpha$ , C) TA-vzaimodejstviyakh pri 4.2 GEhV/S na nuklon.
10. Togaev, X., Doniyorov, S., Farmonov, U. M., Irmatov, F. M., & Boboqulov, Q. S. (2016). On the role of the physical concepts of the disclosure of the secrets of music. In *The Eighth International Conference on Eurasian scientific development* (pp. 184-189).
11. Bekmirzaev, R. N., Igamkulov, Z. A., Tuugalov, F. K., Khudajberdiev, G. U., Farmonov, U., Shukurov, E., ... & Olimov, K. (2004). Rapid distributions of protons in (d,  $\alpha$ , C) TA-interactions at 4.2 GeV/S on nucleon.
12. TAYLANOV, N., BEKMIRZAEV, R., HUDOYBERDIEV, A., SAMADOV, M. K., URINOV, K. O., FARMONOV, U., & IBRAGIMOV, Z. K. (2015). Dynamics of magnetic flux penetration into superconductors with power law of voltage-current characteristic. *Uzbekiston Fizika Zhurnali*, 17(3), 126-130.
13. Фармонов, У. М. (2019). Методика преподавания предмета физики студентам направления естествоведения. *Образование и наука в России и за рубежом*, (16), 314-318.
14. Orishev, Jamshid (2021) "PROJECT FOR TRAINING PROFESSIONAL SKILLS FOR FUTURE TEACHERS OF TECHNOLOGICAL EDUCATION," *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*: Vol. 2021 : Iss. 2 , Article 16.
15. Orishev, J. (2020). ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ПЕДАГОГЛИК МАСЪУЛИЯТИ . *Научно-просветительский журнал "Наставник"*, 1(1).